

МАЖБУРИЯТЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИГА УСЛУБИЙ ЁНДОШИШЛАР

Гайбуллаев Рахим Муродович

*ТДИУ СФ “Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси
мудир, и.ф.д.*

Анваров Хасан

ТДИУ СФ магистранти

Аннотация: *Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини юртишида мажбуриятлар юзага келиши, бухгалтерия ҳисобларида акс эттирилган даромадлар ва харажатлар ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг молиявий натижасини ўзгартирадиган мажбуриятлар сифатида тадқиқ этилиб, уларнинг вужудга келишининг ўзига хос жихатлари очиқ берилган. Мавзу доирасида иқтисодчи олимларнинг изланишлари тадқиқ қилинган ва мавзу бўйича хулоса ва таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *мажбурият, бухгалтерия ҳисоби, даромадлар, харажатлар, қарзлар, шартномавий мажбуриятлар.*

Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳар қандай корхона маълум миқдорда пул тўлаш мажбуриятини келтириб чиқарадиган мажбуриятларга эга. Мажбуриятлар корхонада самарали ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган бошқа характердаги шартнома муносабатларининг ўрнатилиши, шунингдек, ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши туфайли юзага келади.

Мажбуриятнинг белгиси - бу амалга оширилганда, ташкилот молиявий ресурсларнинг (ёки бошқа ресурсларнинг) чиқиб кетиши ёки бир турдаги мажбуриятни бошқаси билан алмаштиришни бошдан кечиришидир. Айнан шу хусусият корхонанинг мажбуриятларини (пассивлар) унинг активларидан ажратиб туради, бу эса, аксинча, компанияга маблағларнинг кириб келишини англайди.

Ҳеч бир ташкилот у хоҳ тижорат, хоҳ нотижорат бўлишидан қатъий назар, ишлаб чиқариш жараёнида бошқа жисмоний ёки юридик шахслар олдидаги ўз қарзини ҳисобга олмасдан туриб ўз хўжалик фаолиятини бошқара олмайди.

Ташкилот томонидан мажбуриятни тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ёки учинчи шахслар (бу ҳолда кредиторлар) олдидаги қарзларни олиб ташлашни ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда мажбуриятлар кредиторлик қарзи деб аталади, аммо "мажбурият"

тушунчаси кенгрок камровга эга бўлиб, кредиторлик қарзларидан ташқари, бошқа турдаги мажбуриятларни ҳам ўз ичига олади.

Хуқуқий меъёрларларда мажбуриятлар талқинига эътибор қаратсак, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасида мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобининг объектлари қаторида алоҳида кўрсатиб ўтилган[1]. Мажбуриятлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича “Баланс”да ёки “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича “Молиявий аҳвол тўғрисидаги ҳисобот”да, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган элемент ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номи миллий стандартида мажбуриятга қуйидагича таъриф берилган: “Мажбуриятлар — шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракат амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқалар ёхуд муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир”[2]. Иқтисодчи олим А.Тўйчиевнинг фикрича, “мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар”дир[3]. Бошқа тадқиқотчи С.Махмудовнинг фикрича – “мажбурият бир корхонанинг иккинчисига бўлган қарздорлигини кўрсатувчи, уларнинг сўндирилиши эса, қарздор корхонанинг активларини камайтирувчи, олдиндан юз берган хўжалик муомалаларининг натижасидир”[4]. Хориж тадқиқотчиси Ж.Зимарева “корхоналарнинг контрагентлар олдидаги мажбуриятлари корхонанинг даромадлари моддалари сифатида, контрагентларнинг корхона олдидаги мажбуриятлари унинг харажатлари моддалари сифатида кўриб чиқилиши керак” [5] деб таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, мажбуриятлар умумий жиҳатдан бухгалтерия балансида активлар манбаи сифатида намоён бўлсада, ҳар бири турли хил иқтисодий маънога, таркибий қисмларга ва бошқа фундаментал фарқловчи хусусиятларга эгадир. Бу эса, уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳисоб объекти сифатида қарашга асос бўлади. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) концептуал асосларида мажбуриятларнинг асосий тавсифи сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий

жавобгарликка эга бўлишлик эканлиги кўрсатилган. Масалан, олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар учун тўланадиган суммалар [6].

Хуқуқий меъёрларга кўра ҳам мажбуриятлар баланснинг пассив қисмида акс эттирилиб, икки гуруҳга бўлинади: жорий мажбуриятлар ва узоқ муддатли мажбуриятлар. Жорий мажбуриятлар – бу мажбуриятлар ҳисобот даври мобайнида бир йилдан ортмаган вақтда сўндирилиши керак бўлган мажбуриятлардир. Жорий мажбуриятларга асосан иш ҳақи, товар моддий захиралар етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, солиқлар ва мажбурий тўловлар, узоқ муддатли банк кредитлари ва облигацияларнинг жорий қисми ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Аксарият тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларида, хориж адабиётларида жорий мажбуриятларни қисқа муддатли мажбуриятлар деб юритилади. Албатта, келтирилган бу икки терминнинг негизини бир деб қабул қилиниши зарур. Узоқ муддатли мажбуриятлар – бу бир йилдан ортиқ вақт давомида сўндириладиган мажбуриятлардир. Буларга асосан узоқ муддатли кредитлар, облигациялар кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, бир йилдан ортиқ бўлган ижара тўловлари ва бошқа кредиторлик қарзларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 21-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли миллий стандартида хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурият ва қарзлар билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини акс эттириш бўйича йўриқномалар кўрсатиб ўтилган. Ушбу миллий стандарт Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун асосида ишлаб чиқилиб, бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланиб келинмоқда ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этилиши мажбурий этиб белгиланган.

Юқорида баён этилганлар мазмунидан келиб чиқадики, хўжалик субъекти томонидан мажбуриятнинг бажарилиши ортида корхона иқтисодий ресурсларининг чиқиб кетиши билан боғланмоқда. Иқтисодий ресурсларнинг камайиши ёки чиқиб кетиши албатта, корхона харажати билан боғлиқ. Харажат – бу корхонанинг даромад олиш учун қилинган сарфлаир билан боғлиқ операциялари тушунилади. Лекин харажат ва мажбуриятларни бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак. Мажбуриятлар корхонанинг балансида, харажатлар эса корхонанинг даромадлари тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади. Харажатлар – бу корхона фаолиятининг харажатлари ҳисобланса, мажбуриятлар – корхонанинг қарздорлигидир. Харажатларни пайдо

бўлиш вақтида иқтисодий ресурсни яъни пул маблағларини тўлаш мумкин ёки тўловни кечиктириш мумкин. Тўловни кечиктириш эса мажбуриятни пайдо бўлишига олиб келади. Демак, яна бир шундай фикрга келишимиз мумкинки, мажбуриятларнинг камайиши харажатни вужудга келишига олиб келади.

Шундан келиб чиқсак, фикрлашимиз мумкинки, бухгалтерия - ҳисобида корхоналарнинг мажбуриятларини қайд этиш этиш билан даромад ва харажатлар юзага келади деб ҳисоблаш мумкин. Бу нисбат иқтисодий мувозанат ғоясини кўрсатади. Амалда мавжуд бўлган номуносивблик молиявий натижани - корхоналар фаолиятининг фойда ёки зарарини белгилайди. Даромаднинг харажатлардан ошиб кетиши натижасида фойда оламиз ёки аксинча йўқотишга юз тутилади. Мажбурият нуқтаи-назаридан талқин қилинганда, даромад - бу ташкилотга берилган кредит бўлса, харажатлар - ташкилотнинг ўз контрагентларига берадиган кредитидир. Шу билан бирга, кредит суммасининг ва унинг муддатлилиги каби омилларнинг уйғунлашувига қараб инфляция даражаси ва ташкилотнинг рентабеллик даражаси дебиторлик ёки кредиторлик қарзлари бўйича ўзига хос мажбуриятга эга бўлиши, даромад ёки харажатлар бўлиши ва шунга мос равишда зарарлар аниқланиши мумкин.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобларида акс эттирилган даромадлар ва харажатлар ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг молиявий натижасини ўзгартирадиган мажбуриятлар натижаси бўла олади деб ҳисоблашимиз мумкин.

Фикримизча, ташкилотдаги мажбуриятлар натижаси бўлган даромадлар ва харажатлар тоифалари мазмунини иқтисодий ва бухгалтерия ҳисоби нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш тақоза этилади. - Иқтисодий нуқтаи- назардан даромад - бу унга берилган кредит натижасида ташкилотнинг ихтиёрига (хўжалик юритуви айланмасида) маблағлар олишдир. Ушбу талқинда кредиторлик қарзларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган активнинг (маблағларнинг) ҳар қандай ўсиши даромад сифатида тан олинади. Шу муносабат билан, Эйген Шмаленбах (1873-1955) кредиторлик қарзини ташкилотнинг ҳали харажатларга айланмаган даромади деб таърифлаган[7].

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартга (БҲМС) мувофиқ даромад - бу ўсишдан ташқари, капиталнинг кўпайишига олиб келадиган активларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши шаклида ҳисобот давридаги капиталнинг кўпайишидир. Шундай қилиб, асбоб-ускуналарни ижарага олган ҳолда, ташкилот унга тегишли бўлган асбоб-ускуналар билан бир хил тарзда маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Демак, бу нуқтаи-назардан, яъни. ишлаб чиқариш

воситаларининг хўжалик айланмасидаги роли нуқтаи-назаридан лизингга олинган асбоб-ускуналар тўлиқ ўз асосий фондларига тенглаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий нуқтаи-назардан даромад - бу активнинг ҳар қандай ўсиши, яъни. активда (+) белгиси билан ҳар қандай ўзгартиришлардир.

Шунга кўра, иқтисодий талқинда харажат ташкилотнинг тасарруфидан маблағларни (активларни) чиқимидир, яъни, харажат - бу ташкилотга контрагентларга кредит бериш билан боғлиқ активнинг камайишидир. Маблағлар иқтисодий муомаладан олиб қўйилади ва бу фактни харажат сифатида тан олиш учун етарли бўлади. Шундай қилиб, иқтисодий нуқтаи-назардан, ташкилот томонидан маҳсулот сотиш натижасида харидорларда қарзлари пайдо бўлиши ва уни тўлаб бергунга қадар бўлган ҳолат –бу харажатларнинг ўзидир. Ташкилот товарларга эгалик ҳуқуқини харидорларга ўтказди (маблағлар миқдори камаяди), лекин маълум вақтгача маблағлар олинмаган бўлади. Демак, бу вазиятда иқтисодий нуқтаи-назардан харажат бор (товар берилади), лекин даромад йўқ (пул олинмайди).

Қатор тадқиқотчилар талқинига кўра, "Даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби таърифича, уларнинг қандай акс этирилишига боғлиқ равишда, бу маълумотлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида акс этирилади. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ташкилотнинг даромади активларни (пул маблағларини, бошқа мол-мулкни) олиш ва (ёки) мажбуриятларни тўлаш натижасида капиталнинг кўпайишига олиб келадиган иқтисодий фойданинг ошиши сифатида тан олинади" [8].

Ташкилотларнинг даромадлари ва харажатларини ифодаловчи мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугатилиши фактларини бухгалтерия ҳисобига олиниши, биринчи навбатда, қуйидаги иккита вазифани ҳал қилишни ўз ичига олади: 1) фаолият натижаси сифатида даромадлар ва харажатлар фактини танлаш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисобида мажбуриятларни тан олиш вақтини аниқлаш; 2) даромад ва харажатларни ташкилотнинг ҳисобот даврлари бўйича мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобида молиявий натижа миқдори сифатида ҳисоблаш.

Молиявий натижа миқдорини белгиловчи мажбуриятни тан олиш масаласи харажатларни ҳисобга олишга ҳам тааллуқлидир. Харажатларни акс эттирувчи нархда маҳсулотларни сотиб олиш шартномасини тузишда, сотиб олувчининг товар етказиб берувчига келажакдаги нақд тўловлар миқдорини белгиловчи шартномани тузишининг ўзи, аллақачон бу корхона харажатлари сифатида тан олиниши мумкин. Шу билан бирга, бу ёндошув бухгалтерия ҳисоби

маълумотларининг вақт доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, чунки, бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан биз қонуний тасдиқланган пул оқимлари режасини билиб оламиз. Етказиб берувчига пул ўтказиш вақти харажатларнинг пайдо бўлиши (тан олиш) вақти деб ҳисобланиши мумкин. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш (тан олиш) вақтини аниқлаш бўйича кўриб чиқилган ёндошувларнинг ҳар бири унинг ижобий ва салбий томонларини ўз ичига олади. Бухгалтерия ҳисоби амалиётини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар барча мумкин бўлган вариантлардан бирини танлайди. Бу у ёки бу усулнинг афзалликларини кўрсатмайди, фақат қонун доирасида маълум бир вақт оралиғида унга мумкин бўлган қарорлардан бирини қабул қилиши ва у бухгалтерия ҳисоби нормасига айланишини англатади» [9].

Умумий қоидага кўра, таҳлил қилинаётган ташкилот томонидан тузилган шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар унинг томонларидан бири томонидан шартномани бажариш бошланган пайтдан бошлаб бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Шундай қилиб, масалан, ўрганилаётган субъект маҳсулот учун кейинги тўлов шартлари бўйича етказиб бериш шартномасини тузади. Шартнома тузилган пайтдан бошлаб, битим иштирокчиларининг ташкилотлари шартнома шартлари бўйича аллақачон маълум мажбуриятларга эга бўладилар.

Хулоса қилиб, шунини айтишимиз мумкинки хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти давомида мажбуриятлар тушунчаси билан бухгалтерия ҳисобининг ўрнатилган меъёрий қоидалари ва стандартларида қўлланилган мажбуриятлар тушунчаси билан таққосланганимизда ва уларнинг талқин қилинишида бир қанча фарқланишлар кузатилди. Албатта, бу фарқланишларни бухгалтерия ҳисобининг ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишда уйғунлаштирилиши “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) концептуал асослари доирасида бухгалтерия ҳисоби миллий тизимига жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 7- моддаси. <https://lex.uz/ru/docs/-2931253>
2. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номи Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 38-банд. -Т.: УзБАМА, 2003. -42 б.

3. А.Тўйчиев “Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарийметодологик муаммолари” диссертация . Тошкент 2011й. ТМИ.
4. Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилни такомиллаштириш. Икт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. -22 б.
5. Зимарева Ж. Бухгалтерский учет отложенных обязательств. Дисс.на ...стпене.кон.экон.наук. – Новосибирск 2007й. - 9ст.
6. Akhmedov, B. A. (2021). Cluster methods for the development of thinking of students of informatics. *Academy*, 3(66), 13-14.
7. Учет, анализ, аудит: Проблемы теории, методологии и практики: Сб. науч. тр. / под ред. Д.А. Ендовицкого. Воронеж: Изд-во Воронеж, гос. ун-та, 2001. 329 с.
8. Коллектив авторов. Международные стандарты финансовой отчетности. Бишкек 2016 г. Изд. Макспринт 320 с.
9. Арзыбаев А.А. Организационные и методические аспекты учета и аудита капитала. Монография. Алматы 2011г. 164 с.
10. Гайбуллаев Р М. (2003). Экономическая активность предпринимателей в Республике Узбекистан. *Финансовый бизнес*, (6), 46-49.
11. 2. Murodovich, G. R. (2022). SMALL BUSINESS DEVELOPMENT PROCESSES IN UZBEKISTAN. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(2), 144-147.
12. Murodovich, G. R. (2022). Research of the Problems of the Functioning of Institutional Service Structures and Provision of Regulatory and Legal Criteria in this Sphere. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 208-211.
13. Murodovich, G. R. (2022). Considerations for Creating a Business Environment Based on Entrepreneurial Risk. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 318-320.
14. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Support of Small Business and Private Entrepreneurship in Uzbekistan through Loans of Commercial Banks. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 197-201.
15. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Increasing the Possibility of Management of Loan Portfolio Analysis in Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 17, 30-35.
16. Murodovich, G. R. (2022). Invitation of Population Funds in Uzbekistan Some Aspects of Private Investment Development. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 15-19.

17. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving the Loaning Process in Commercial Banks. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN, 3(5), 10-15.
18. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Indonesia Problems of Population Banking of Commercial Banks. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 15, 190-196.
19. Murodovich, G. R., & Saidmurot, M. (2022). FINANCIAL SUPPORT OF THE POPULATION IN COMMERCIAL BANKS THROUGH MORTGAGE CREDITS. World Economics and Finance Bulletin, 9, 173-177.
20. Murodovich, G. R. (2022). Participation of Small Business and Private Entrepreneurship in the Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan Creating and Developing the Environment. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 417-420.
21. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving Bank Loan Portfolio Quality Management. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 15, 54-60.
22. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Creating Conditions for Financing Small Business Entities through Bank Loans. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 15, 45-48.
23. ГАЙБУЛЛАЕВ ПМ. (2021). [ЗАКОНОМЕРНОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ*](#). Глобальные проблемы модернизации, 27-34.
24. Murodovich, G. R. (2022). [BANKS' LOAN PORTFOLIO QUALITY MANAGEMENT](#). World Economics & Finance Bulletin (WEFB), 17(12), 136-138.
25. Murodovich, G. R. (2022). Continuing to Increase Investigation in Uzbekistan and Actively Attract Foreign Investment as a Factor of Sustainable Economic Growth. RESEARCH PARK, 5(10), 10-13.
26. Murodovich, G. R. (2022). [FINANCING ISSUES OF SMALL BUSINESS ENTITIES BY COMMERCIAL BANKS](#). Finland International Scientific Journal of Education, 10(12), 857-862.
27. Murodovich, G. R. . (2022). [CHARACTERISTICS OF ACCOUNTING IN THE ECONOMIC ACTIVITY OF SMALL ENTERPRISES I, PROBLEMS AND IMPROVEMENT*](#). World Economics and Finance Bulletin, 17 (12), 139-142.
28. Murodovich, G. R. . (2022). [Prospects for Use of Digital Information Technologies in Accounting*](#). American Journal of Social and Humanitaria, 3(12), 244-253.
29. Murodovich, G. R. . (2022). [Problems of Population Banking of Commercial Banks](#).

30. Murodovich, G. R. . (2022). [Formation of Credit Resources in Commercial Banks](#), American Journal of Economics and Business, 3, 18-20.